



Аъён нима



Бу мисолдаги “айн”, “аён”, “дийдор” сўзларига алоҳида эътибор бериш керак, чунки булар тасаввуфнинг махсус истилохларидир. Бошқа бир ерда Аттор дейди:

Ту бешак бартар аз кавну макони,
Гузори айн, дар аъён аёни.

(Сен шубҳасиз кавну макондан юкорисан, айндан воз кечсанг, аъёнда аёнсан).
Тасаввуф таълимотига биноан, Илохнинг ўзи гайб, киши кўзига кўринмайди, зотнинг асл

жавхарини билишга ҳеч ким муяссар бўлган эмас (“Унинг зотининг мохиятидан биров хабардор бўлмаган”), аммо унинг “дийдори” — юзи, кўриниши, яъни кўздай бўлиб жилоланиши, аёнлашуви оркали Унинг сирларидан вокиф бўлиш мумкин. Шунинг учун бу ерда “айн” деганда илохий сирлар манбаи кўздай порлаб кўрина бошлаши, “аён” деганда эса конкретлашув, моддий шакл олишни англаш керак. “Аён” илохий гайб (“адам”)нинг ижодкорлик кудрати сабабидан ташкарига зухур этган Мохият, хакикатнинг сурати ёки тасаввурланиши, хаёлий шаклга киришидир. Аттор айтмоқчики, Мансур, Шайх Аттор ёинки бошқа Комил шахс агар “айн” — суратини, жисми ташласанг, ўша “аъён” — илохий оламда “айн” бўласан, яъни конкретлик касб этасан, илохий вужудга айланасан.

Шавад восил хижобаш дур гардад,
Ба маъни сурати Мансур гардад.

(Васлга етгандан кейин, парда узокдашади, маънида у Мансур суратига айланади). Шу зайлда Аттор тавҳид асрорини кашф этиб бораверган. “Жавхаруз зот” (“Жавхаруз зот” — илохий зот мо-хияти, яъни мохиятнинг мохияти демак)дан ташкари, “Мантикут тайр”, “Булбулнома”, “Уштурнома”, “Илохийнома” каби асарларида ҳам шоир тавҳид хусусида фикр билдириб кетган. Масалан, “Мантикут тайр”нинг бутун мазмуни Симуриг — Мутлак рух васлига етиш ва у билан кўшилиш хакидаги хикояларидан иборат. Асардаги етти водийнинг бири “Тавҳид водийси” деб номланган. Аммо колган водийлар ҳам аслида солиқ рухнинг Илохий манбаъ сари юксалиши ва бундан турли холатларга тушиш, турли даражадаги идрок боскичлари тасвирланади. Рухнинг Билим, Маърифатга ошноликдан сармастлиги, ўзини унутиб, ўз тангриси багрига буткул сингиб кетиши, яъни жузънинг Кулл бўлиши — фано саодати Аттор асарларининг асосий мавзудир. Шунга кўра Атторни илохий рамзлар, сирлар шоири дейиш мумкин. Лекин, гарчи шоир гайб сирларидан сўз очиб, оламини билишнинг аклий усулини рад этган холда барча тасаввуф ахли каби, ботиний туйғуни, ишкни билишнинг асосий воситаси хисобласада, унинг бутун асрорлари дунёни ва унинг Мохиятини англашга беҳад чанкокликнинг исботидир. Умуман, назаримда, сўфиёна важд-жазава, кашфу каромат, хол мартабасидаги беҳудлик илхоми билан кўлган киритилган “сирлар” аслида оламнинг хусусиятлари, инсон заковати ва тафаккурининг меваларидир. Илохий билимларнинг чексизлиги эса инсон истеъдоди, тахайюли ва шуурининг, ички ботиний қобилиятининг чексизлигидан нишона, шунинг тасдиғидир. Илох — тафаккур ва билишнинг чексизлиги, туганмаслиги тимсоли. Фаридиддин Аттор шу тимсолни ҳақдеб тинмай унга интилади, уни кашф этиш иштиёкида ёнади.

Нажмиддин Комиловнинг
"Тасаввуф" китобидан